

336.5(043.3)  
С26

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ  
ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ

*Қўлёзма ҳуқуқида*  
УДК: 366.71 (4+47)

**САЛИХОВ ЖАСУР ШАВКАТОВИЧ**

**ЎТИШ ДАВРИ ИҚТИСОДИЁТИДА  
ТИЖОРАТ БАНКЛАРИНИНГ РЕСТРУКТУРИЗАЦИЯСИ:  
БОЗОР ТУЗИЛМАСИ ВА ДАРОМАДЛИЛИК  
(ШАРҚИЙ ЕВРОПА ВА МДҲ МАМЛАКАТЛАРИ МИСОЛИДА)**

08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий  
муносабатлар” ихтисослиги

Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини  
олиш учун ёзилган диссертация

**А В Т О Р Е Ф Е Р А Т И**

Тошкент – 2007

336.5(043.3)  
С 26

Диссертация Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети-нинг “Жаҳон иқтисодиёти” кафедрасида бажарилган.

*Илмий раҳбар:* Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,  
иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Шодиев Рустам Ҳамидович**

*Расмий оппонентлар:* иқтисод фанлари доктори, профессор  
**Шодиев Турсун Шодиевич**  
иқтисод фанлари номзоди, доцент  
**Жумаев Нодир Хосиятович**

*Етакчи ташкилот:* Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Ҳимоя Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (Манзил: 100137, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 54) хузуридаги иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациялар ҳимояси бўйича Д.005.15.02 рақамли Ихтисослашган кенгашнинг 2007 йил «29» май соат 14<sup>00</sup> да ўтадиган мажлисида бўлади.

Диссертация билан Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг кутубхонасида танишиш мумкин.

Автореферат 2007 йил «28» апрел да тарқатилди.

Ихтисослашган кенгаш  
илмий котиби, иқтисод  
фанлари номзоди



**Хусайнов Ш.А.**

## 1. DISSERTACIYANING UMUMIY TAVSIFI

**Мавзунинг долзарблиги.** Бугунги кунда банк тизимини ислох қилиш борасидаги энг муҳим вазифалар – банкларнинг ўз устав капиталини кўпайтириш, аҳоли, тадбиркорлик субъектлари ва сармоя киритиши мумкин бўлган инвесторлар, шу жумладан, хорижий инвесторларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш учун акциялар чиқариш ва уларни фонд бозорларида фаол жойлаштириш каби комплекс чораларни амалга оширишдан иборат бўлмоғи лозим. Бу хусусда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримов: “Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, миждозлар, тадбиркорлар банкларнинг ортидан эмас, аксинча, банклар бизнес вакиллари ва аҳоли орқасидан юрадиган бўлсин”<sup>1</sup> деб бежизга таъкидламадилар. Аҳолини банк тизимига бўлган ишончини янада ошириш, тижорат банкларининг ресурс базасини ва реал тармоқларини кредитлаш имкониятларини кенгайтириш мақсадида Марказий банк жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг ҳамда хорижий сармоядорлар маблағларини банк айланмасига қўшимча равишда жалб қилиши ва уларни инвестиция жараёнларига йўналтириши долзарб муаммолардан биридир.

Ушбу вазифаларнинг тижорат банклари томонидан қанчалик муваффақиятли удалаши уларга яратиб бериладиган шарт-шароитга боғлиқ, албатта. Шунинг эътиборга олган ҳолда, банкларнинг бу борадаги фаолиятини ҳамдўстлик мамлакатларида ҳам қўлланмаган ноанъанавий йўللار орқали рағбатлантириш чоралари кўрилмоқда. Хусусан, банкларга уларнинг даромад солиғи базасини жисмоний шахслар муддатли омонатларининг ўсиши миқдоригача камайириш ва бунинг натижасида солиқдан озод бўладиган маблағларни омонатлар бўйича тўланадиган фоиз ставкаларини оширишга йўналтириш имконини яратиб беради.

Бугунги кунда Ўзбекистон банк тизими ўз тараққиётининг сифат жиҳатдан янги босқичини бошидан кечирмоқда. Бу босқич макроектисодиётдаги жиддий ўзгаришлар, умумиқтисодий вазифаларни ҳал этишда банк салоҳияти ва таъсирининг ўсиши билан боғлиқдир. Чунки кредит ва молия операцияларининг асосий қисмини

---

<sup>1</sup> Каримов И.А. Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароитини яратиш – асосий вазифамиз // Халқ сўзи, 2007 йил 13 феврал, №31(4184).

қамраб оладиган кредит тизимининг ҳал қилувчи бўғини банк секторидир. Мустақиллик йилларида Ўзбекистон банк тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотларнинг натижаси сифатида барқарор бошқариладиган ва айни пайтда рақобатдош банк тизими ташкил этилди. Бироқ, иқтисодий эркинлаштириш шароитида банк тизимидаги рақобат муҳитини янада яхшилашни ҳисобга олган ҳолда ислохотларни чуқурлаштиришнинг зарурлиги бу соҳада тизимли ўзгартиришларни амалга ошириш бўйича жаҳон тажрибасини ўрганиш долзарблигини таъкидлаш эътиборига эриштирилди.

Муаммонинг долзарблиги ўтиш даври иқтисодийларидаги пул ва қимматли қозғалар бозорларини ривожланиш динамикасини амалий таҳлил қилиш имкониятларидан, яъни мамлакатлар банк тизимидаги рақобатчилик даражасини ўрганиш вазифаларидан ҳам келиб чиқади. Ўтиш даври иқтисодийлари бозор муносабатларига эга, лекин ҳали шаклланаётган ҳамда тўлақонли равишда ташкил топиб улгурмаган иқтисодий тизимларнинг мавжудлиги туфайли улар айнан “ўтувчи” деб аталади. Республикамизда охириги йиллардаги иқтисодий модернизация ва ислох этишдаги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўтиш даври иқтисодийларидаги банк бошқаруви ва банк рақобатчилиги жиҳатларини илмий тарафдан тадқиқ этиш лозим.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Бозор тузилмаси ва унинг даромадлиликка таъсир кўрсатиши муаммоларининг иқтисодий назарияси ва эмпирик таҳлили ўтган асрнинг 70-йилларидан бери хорижлик олимлардан А. Бергер, Дж. Бонин, Л. Вайс, М. Капман, С. Нетван, В. Пол, М. Смирлок, А. Хеггестат, Д. Хей ва бошқалар илмий изланишлар олиб борган. Уларнинг илмий қарашлари ва асарларида бозор тузилмаси, унинг даромадлиликка таъсири муаммолари чуқур ва пухта таҳлил қилиб берилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) иқтисодчи олимларидан С. Авдашев, А. Баталов, А. Самойлов, шунингдек, халқаро иқтисодий ва молиявий ташкилотлар (Халқаро Валюта Фонди, Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти ва бошқалар) илмий тадқиқотлари доирасида банк тизимини рақобат шароитида ривожлантириш муаммолари илмий тадқиқ этилган.

Ўтиш даври иқтисодийларидаги мамлакатлар, хусусан, Ўзбекистон Республикаси иқтисодийларнинг кўп қиррали жиҳатлари, жумладан банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш муаммо-

лари иқтисодчи олимлар Ш. Абдуллаева, Б. Исломов, В. Тен, Р. Шодиев, А. Қодиров, Д. Ғозибеков ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз ифодасини топган. Бироқ юқорида номлари зикр этилган олимларнинг илмий қарашларида бозор тузилмасининг тижорат банклари даромадлигига сон ва сифат жиҳатдан таъсири Шарқий Европа мамлакатлари илғор тажрибаси нуқтаи назаридан ўрганилмаган.

Республикамизнинг банк тизимида соғлом рақобатчилик муҳитини яратиш, нафақат чет эл банк тизимлари тажрибасини кенг ўрганишни, балки мазкур тизим тамойилларини, тузилмасини ва бошқариш механизмларини илмий-услубий асослашни талаб қилмоқда.

**Диссертация ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Илмий иш давлат илмий-техник дастури доирасида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида олиб борилган илмий тадқиқотлар режаси бўйича бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Миллий иқтисодиётда банк секторидаги тизимли ўзгартиришлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида рақобатбардошлик механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот вазифалари.** Қўйилган мақсадга мувофиқ қуйидаги вазифалар белгиланди ва ҳал этилди:

- Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари банк секторидаги тузилмавий ислохотларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ҳамда ижобий тажрибаларини илмий жиҳатдан тадқиқ этиш;

- ўтиш даври иқтисодиётларида банк сектори тузилмасининг тушумига, даромадига таъсир қилувчи омилларини туркумлаш, сонли ифодасини топиш услубини яратиш;

- тижорат банкларнинг ихтисослашув ва концентрациялашувидаги тенденциясини тадқиқ этиш ҳамда хорижий ва маҳаллий банк сектори рақобатбардошлигини таъминлаш бўйича хориж тажрибаларини ўрганиш;

- Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари банк сектори даромадига таъсир этувчи омиллар бўйича маълумотларни тўплаш, эконометрик моделлар ёрдамида таҳлил ўтказиш;

- Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида банк тизимининг молиявий тақсимлаш механизми сифатидаги ролини асослаш ва

бугунги ҳолатига баҳо бериш, унинг даромадлилик даражасига таъсир этувчи омилларни белгилаш;

- хорижий мамлакатлар банк тизимидаги тузилмавий ислохотлар ва тартибга солиш сиёсатини умумлаштириш ҳамда Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги ислохотларни чуқурлаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқот объекти.** Ўтиш даври иқтисодиётидаги банк тизими ва тижорат банклари фаолияти таъналанган.

**Тадқиқотнинг предмети.** Ўтиш даври иқтисодиётидаги тижорат банкларида тизимли ўзгартиришларни амалга ошириш билан боғлиқ ташкилий-иқтисодий муносабатларни ўрганиш ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг назарий ва методологик асослари.** Банк тизимида иқтисодий ислохотларни амалга ошириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А. Каримовнинг Фармонлари, Қарорлари, бозор иқтисодиётига оид асарлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг бу соҳадаги илмий изланишлари ҳамда ушбу муаммоларни ёритишга бағишланган илмий адабиётлар хизмат қилади.

Шунингдек, тадқиқот жараёнида ўтиш даври иқтисодиётларини глобаллашув шароитида банк тизимидаги ўзгартиришлар самардорлигини таҳлил қилиш услугиёти бўйича чет эл иқтисодчиларининг китоблари, монографиялари, мақолаларидан ҳам фойдаланилди.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги.** Ўтиш даври иқтисодиётидаги тижорат банкларида тизимли ўзгартиришлар самардорлигини эконометрик моделлар орқали баҳолаш ҳамда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида рақобатбардошлик механизмларини такомиллаштириш юзасидан услубий, амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларидан олинган ва ҳимояга қўйилаётган илмий янгиликлар қуйидагилардан иборат:

- Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларининг банк тизими фаолиятини барқарор ҳолда тартибга солиб туриш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва омиллар аниқланган, бу соҳадаги ижобий тажриба умумлаштирилган;

- ўтиш даври иқтисодиётлари ва ривожланаётган иқтисодиётлар банк тизимларида рақобат муҳитининг қулай даражасини аниқ-

лаб берувчи омиллар туркумланган, сонли ифодаси эконометрик моделлар орқали топилган;

- хорижий мамлакатлар банк секторидаги даромадлиликни оширишда трансмиллий банк институтлари имкониятларидан тўла фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган;

- Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида бозор концентрациясининг ўзгариши ва банклар даромадлилиги таъсирини баҳолаш бўйича таҳлил усули таклиф этилган;

- оптимал даромадлиликка эришиш мақсадида банк тизимини тартибга солиб туришни такомиллаштириш бўйича илмий тавсиялар ишлаб чиқилган;

- Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари банк тизимларининг динамик қаторлари таҳлил этилиб, даромадлиликнинг тузилмавий детерминантлари аниқланган;

- банк тизимидаги чуқур ислохотлар самарадорлиги ўрганилган ва бошқаришнинг бозор механизмлари таснифланган, шунингдек, муқобил иқтисодий коэффициентлар қўлланилган ҳолда барқарор даромадлиликни таъминлаш модели ишлаб чиқилган;

- миллий банк тизимидаги рақобат муҳитининг оптимал даражасини таъминлаш бўйича таклифлар асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки томонидан тижорат банкларини тартибга солишда, шунингдек, халқаро капитал бозорларига интеграциясини таъминлаш мақсадида айрим тузилмавий ўзгаришларни амалга оширишда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, диссертация натижаларидан иқтисодиёт йўналишидаги олий ўқув юртларида банк соҳасига оид ўқув дастурлари, дарслик ва ўқув қўлланмалари тайёрлашда қўлланиши мумкин.

**Ишнинг синовдан ўтиши.** Тадқиқот натижалари бўйича муаллиф “Марказий Осиё мамлакатлари иқтисодиёти” (Токио, Япония, 2001 й.), “Ўтиш иқтисодиёти: Шарқий Европа ва Марказий Осиё мамлакатлари” (Токио, Япония, 2002 й.), “Ўзбекистон Республикасининг халқаро ҳамжамиятга интеграциялашуви муаммолари” (Тошкент, 2002 й.) номли халқаро илмий ва амалий анжуманларда маърузалар қилиб, фикрлар ижобий баҳоланган.

Тадқиқот иши Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг муаммоли-мувофиқлаштирувчи кенгаши ҳамда Ўзбе-

кистон Миллий университети илмий семинарларида муҳокама қилинган ва маъқулланган.

**Натижаларнинг эълон қилинганлиги.** Илмий ишнинг асосий натижалари бўйича 5 та илмий мақола ва тезислар чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши.** Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ҳамда иловалардан иборат.

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, унинг мақсади ва вазифалари, илмий янгилиги, тадқиқот натижаларининг илмий-услубий асослари, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг жорий қилиниши, ишнинг синовдан ўтиши, натижаларнинг эълон қилинганлиги ҳамда ишнинг тузилиши баён этилган.

**Биринчи боб** «Ўтиш даври иқтисодиётлари банк хизматлари бозорини тадқиқ этишнинг назарий-методологик асослари» деб номланиб, унда банк хизматларидаги рақобатбардошликнинг асосий тамойиллари ҳамда банк бозорлари тузилмаси ва даромадлиги таҳлилининг асосий модели илмий тадқиқ этилган. Шунингдек, ушбу бобда банк рақобатбардошлигини шаклланишидаги учта асосий назария келтирилган, тузилмани даромадлиликка таъсир этишининг таҳлили учун даромадлиликнинг чизиқли функциясини қўллашга мумкинлиги асослаб берилган.

**Иккинчи боб** «Ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларнинг банк хизматлари бозорларини ўзига хос хусусиятлари ва асосий йўналишлари»га бағишланган бўлиб, унда банк хизматига бўлган талаб ва таклиф, бозор тузилмасининг асосий элементлари назарий жиҳатдан таҳлил этилган, шунингдек, чет эл адабиётларида берилган ва ўрганилган назарий хулосаларни эмпирик натижаларга мослиги нуқтан назаридан қиёсий таҳлил амалга оширилган.

**Учинчи боб** «Ўтиш даври иқтисодиёти мамлакатларида банк тизимидаги тузилмавий ўзгартиришларни амалга оширишнинг эмпирик таҳлили» деб номланиб, унда ўтиш даврининг ўзига хос хусусиятлари таҳлили, шунингдек, банк сектори бўйича мустақил равишда тўпланган маълумотларнинг дескриптив статистик ва қиёсий таҳлили амалга оширилган.

**Тўртинчи боб** «Ўзбекистон банк тизимини такомиллаштиришда хорижий мамлакатларнинг ижобий тажрибаларидан фойдаланиш» деб номланиб, унда миллий банк тизими тузилмасининг

ўзига хослиги таҳлил қилинган ҳамда маҳаллий банк тизимини та-комиллаштиришда хорижий мамлакатлар тажрибаларидан фойда-ланиш йўллари асослаб берилган.

Хулоса қисмида тадқиқотнинг асосий натижалари умумлаш-тирилиб, илмий-амалий жиҳатдан асосланган бир қатор таклиф ва тавсиялар берилган.

## 2. ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Иқтисодий муносабатларни эркинлаштириш шароитида банк секторида тизимли ўзгартиришларни амалга оширишнинг бевосита мақсади унинг фаолиятини яхшилаш ва самарадорлигини ошириш-га қаратилган. Банк тузилмалари назарияси муайян бозорнинг ўзига хос хусусиятларига асосланган ҳолда бозор тузилмасининг даро-мадлик кўрсаткичига таъсирини кўриб чиқади ва шу ўзаро боғ-ликликни конкрет бозорнинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда моделлаштиришга имкон беради. Ҳозирги пайтда банк самарадор-лигини ифодалаш назарий жиҳатдан бир-биридан фарқ қиладиган учта назария қамраб олган. Яъни:

а) “Анъанавий” деган ном билан маълум бўлган биринчи нуқ-таи назар, бозор қатнашчиларининг хатти-ҳаракатига, яъни компа-нияларнинг унча қатта бўлмаган гуруҳини нархлар тенденциясига таъсир этишга уринишга, эркин рақобат бўлмаган механизмлардан кўпроқ концентрацияланган бозорда фойдаланишга асосланади. Ушбу назария профессорлар М. Смирлок (1985), Ф. Молино (1995)<sup>2</sup> асарларида ёритиб берилган.

б) “Самарали тузилма назарияси” деб аталувчи ёндашувнинг асосида профессор Х. Демсетс (1982)<sup>3</sup> асарларида таклиф этилган гипотеза ётади. Ушбу нуқтаи назарга асосланувчи олимлар бозорда концентрациялашув мавжуд, бироқ унинг даромадлигига таъсир этувчи асосий омил бозор концентрацияси эмас, балки рақобатла-шувчи банклар бозор улушининг ҳажмидир деб таъкидлайдилар. Ушбу назария тарафдорлари даромад ва тузилмавий параметрлар

<sup>2</sup> Smirlock, Michael. (1985) “Evidence on the (Non) Relationship between Concentration and Profitability in Banking” *Journal of Money, Credit and Banking*, Vol 17, No.1, February; Molyneux Philip and Forbes, W. (1995) “Market structure and performance in European Banking”, *Applied Economics*, 27, 155-159.

<sup>3</sup> Demsetz, Harold (1982) “Barriers to entry”, *American Economic Review*, 72, 47-57.

ўртасидаги ижобий алоканинг мавжудлиги сабабли самарадор тузилмадир, деб ҳисоблашади.

в) Ижобий ўзаро боғлиқликнинг мавжудлигига асосланувчи (Бергер ва бошқалар, 1994, Ту 2000)<sup>4</sup> тузилмани даромадлиликка таъсири ҳақидаги замонавий назариялар бозор тузилмасининг шаклланишига доир янги тушунтиришларни илгари сурадилар. Сўз-ма-сўз “тинч ҳаёт” гипотезаси, деб таржима қилинадиган “квайт лайф” гипотезаси даромадлиликни бозор тузилмасига ижобий боғлиқлигини инкор этади. Ушбу гипотезага мувофиқ кўпроқ концентрациялашган бозорларда ҳаракат қилувчи банклар “хавфсизроқ” инвестицион портфел танлаш йўли билан фақат операцион хавфни пасайтириш учунгина ўз монополистик даромадининг бир қисмидан воз кечишга ҳам тайёр бўлишади. Шундай қилиб, юқори концентрациялашган бозорларда ҳаракат қилаётган банклар бўйича даромадлиликнинг кўрсаткичи унча концентрациялашмаган бозорларда ҳаракатда бўлган банклар кўрсаткичларидан унчалик фарқ қилмайди. Юқорида келтирилган банк тизимини тузилмавий ўзгартиришнинг назарий асослари кўпгина асарларда атрофлича ишлаб чиқилган ва баён этилган.

Тадқиқот ишининг эмпирик қисмида Марказий ва Шарқий Европа банклари, шунингдек, баъзи МДХ банк тизимларини баҳолашда асосий ўзгарувчи сифатида концентрация коэффицентидан фойдаланиб, бозор тузилмасининг самарадорлигини баҳолаш амалга оширилган. Амалий натижаларга изох бериш учун тадқиқотнинг асосий гипотезалари куйидаги шаклга эга бўлди. Яъни:

а)  $H_0$ : концентрация коэффиценти = 0

$H_1$ : концентрация коэффиценти > 0

б)  $H_0$ : бозор улушининг коэффиценти = 0

$H_1$ : бозор улушининг коэффиценти > 0

Тадқиқот ишида чизикли функциянинг регрессион таҳлили амалга оширилдики, бунга концентрация коэффицентининг ўзгарувчанлиги ҳам, бозор улушининг катта-кичиклиги ҳам даромадлиликка таъсир этувчи омил сифатида моделга киритилди. Кўрсатил-

---

<sup>4</sup> Berger Allen N., Hannan Timothy H. (1994) “The Efficiency Cost of Market Power in the Banking Industry: a test of the quite life and related hypothesis”, Wharton Financial Institution Centre, November 23-26.

ган гипотезаларни тадқиқ этиш ўрганилган бозорларда даромадли-  
ликнинг шаклланишига таъсир кўрсатувчи омилларнинг таъсирини  
сон жиҳатдан баҳолашга имкон берди.

Тадқиқот учун статистик маълумотлар 20 минг банк инсти-  
тутларига тегишли ахборотга эга бўлган «Банк альманахи» (Рид  
Бизнес Информейшн, «Файнэншил Таймс») базасининг 2005 йил  
1 январга ҳисобланган баланс кўрсаткичларидан олинди. Танлашда  
тадқиқ этилаётган маълумотлар гуруҳлар ўртасидаги коллинеарлик  
ва автокорреляция даражаларини инобатга олган ҳолда тўпланди  
ҳамда статистик жиҳатдан стандартлаштирилди. Танлаш Европа  
банклари бўйича Белорус, Болгария, Венгрия, Польша, Россия, Ру-  
миния, Словакия, Украина, Хорватия ва Чехия каби мамлакатларда  
ҳаммаси бўлиб 216 та умумлаштирувчи маълумотлардан иборат  
бўлди. Тадқиқот ишида Шарқий Европанинг ўтиш блокига мансуб  
бошқа мамлакатлари таҳлилда хатоларга йўл қўймаслик учун ста-  
тистик тахминга кўра регрессион тенгламадан чиқариб ташланди.

Бозордаги монополистик даражани таҳлил қилиш учун эмпи-  
рик таҳлилда чизиқли шаклдаги даромадлилик функциясининг  
қуйидаги умумий моделидан фойдаланилди:

$$P = f(D, C, M, S, X), \quad (1)$$

бу ерда:  $P$  – функция ёки ўзига хос маҳсулот ёки хизматнинг нархи  
(ипотека бўйича, омонат счетлари бўйича) ёки даромадлилик кўр-  
саткичлари (капитал ёки активлар рентабеллиги, акцияларнинг бо-  
зор қиймати ва хоказолар). Эркин ўзгарувчилар қуйидаги шаклда  
ифодаланган:

$D$  – бозор шароитини акс эттирувчи ўзгарувчи;

$C$  – бозор қатнашчилари сарфлайдиган харажатлардаги  
ўзгаришларни акс эттирувчи;

$M$  – концентрация коэффиценти билан ўлчанадиган бозорни мо-  
нополлаштириш даражаси;

$S$  – бозор тузилмасининг ўзгарувчиси, масалан, тадқиқ этилаётган  
бозорга кириб боришликнинг мураккаблик даражаси;

$X$  – хизматнинг айрим хусусиятларини акс эттирувчи назорат ўзгарувчи.

Олимлардан Л. Вейс (1974)<sup>5</sup>, М. Смирлок (1985) ва Дж. Бонин

---

<sup>5</sup> Weiss, Leonard W. (1974) "The concentration-profit relationship and antitrust", *Industrial Concentration: The New Learning*, Boston: Little, Brown & Company, pp.184-233.

(1998)<sup>6</sup> ўз асарларида таҳлилнинг ушбу усулидан фойдаланганлар, ammo тадқиқот натижалари бир хил бўлмаган. Таҳлилда фойдаланилган услубиёт бозор улуши ўзгарувчанлиги ва концентрация коэффицентининг регрессиясини назарда тутди.

Бу тадқиқотларда нарх коэффицентининг иккита экзоген ўзгаришларни тадқиқ этишни ҳисобга олган эркин ўзгарувчилар ишлатилган. Яъни:

- биринчи ўзгарувчи «Return on assets (ROA)», активлар рентабеллиги, соф даромадни ўртача ҳисобланган умумий активларга нисбати сифатида аниқланади. Ушбу кўрсаткич ҳақиқатан банк бошқарувини ресурсларнинг самарали жойлаштиришга ҳамда активларни соф фойдага конверсиялашувини таъминлашга лаёқатлигини аниқлаб беради.

- иккинчи ўзгарувчи «Return on equity (ROE)», капитал қайтими, соф даромадни акционерлик капиталининг ўртача ҳисобланган миқдорига нисбати сифатида аниқланади. Ушбу кўрсаткич банк бошқарувининг самарадорлигини баҳолашга имкон беради.

Концентрацияни ифодаловчи параметр сифатида таҳлил учун ўрганилаётган мамлакатлардаги умумий банк активларига нисбатан мамлакатнинг 3 та энг катта банклари активларининг улушлари йиғиндиси ҳисобланади. Дастлабки таҳлилда даромадлилик функцияси концентрация коэффицентига боғлиқ деб олинади, кейинчалик функцияга бозор улуши параметри ва ўзгарувчининг ҳолатини тадқиқ қилиш учун иккита коэффицентнинг кўпайтмаси қўшилган. Регрессиянинг иккинчи тоифасида таҳлил натижаларини оптималлаштириш ва уларнинг даромадлиликка таъсирини баҳолаш учун бинар ва назорат ўзгарувчилар ҳам функцияга киритилган. Демак тадқиқот ишида:

$$\pi = \beta_0 + \beta_1 MSHARE + \beta_2 CR3 + \beta_3 MSCR3 + \sum \beta_i C_i, \quad (2)$$

$$\pi = \beta_0 + \beta_2 CR3 + \beta_1 MSHARE + \sum \beta_i C_i + \sum \alpha_i Di, \quad (3)$$

боғлиқликлар тузилган, бунда эркин ўзгарувчилар куйидагиларни билдиради:

---

<sup>6</sup> Bonin John, Mizsei Kalman, Szekely Istvan, and Wachtel Paul, (1998) "Banking in Transition Economies: Developing Market Oriented Banking Sectors in Eastern Europe" Cheltenham, UK: Elgar., pp. 169-174.

Функция	Эркин ўзгарувчилар
ROA Активлар рентабеллиги % Даромад/активлар	CR3: 3 та банк активлари концентрация-сининг коэффиценти (%) Учта энг йирик банк активлари / мамлакат банк тизими активлари
ROE Капитал рентабеллиги % Даромад/капитал	MSHARE: бозор улуши; банк активлари/умумий активлар (%) MSCR3 = MSHARE * Концентрация коэффиценти ASSETS: банк ҳажми (банк активлари) EQAS: капиталнинг активларга нисбати коэффиценти (капитал/актив) % Di=1,...,n: мамлакат учун бинар ўзгарувчан миқдорлар

Профессорлар М. Смирлок (1985) ва Дж. Бонин (1998) асарларида кўрсатилганидек, кўпинча концентрация коэффиценти тенгламада манфий ишорага эга бўлади. Чунончи, профессор М. Смирлок (1985) тенглама (2) бўйича иккала параметрни комбинацияловчи коэффицент MSCR3 ни эътиборга олмасликни таклиф қилади ва бу ҳолда агар  $\beta_2=0$  бўлса ва  $\beta_1>0$  шarti бажарилса, бу эса катта бозор улушига эга бўлган банклар кўпроқ юқори рентабелликка эга бўлади демакдир. Шундай экан, бундай натижа “самарали тузилма” назариясини қўллаб-қувватлайди.

Айни пайтда  $\beta_1=0$  ва  $\beta_2>0$  шартнинг бажарилиши, монополистик рентаинг борлигини ва банклар рентабеллигида бозор улушининг сезиларли таъсири йўқлигини билдиради. Бундай натижа анъанавий гипотезанинг фойдасига гувоҳлик беради. Коэффицент MSCR3 нинг қиймати функциясига киритилганда бозор улуши коэффицентининг даромадлиликка таъсирини текшириш мумкин.

Демак, юқори концентрация бозордаги капитал миқдори хатти-харакат билан қўшилиб кетган бўлса, у ҳолда коэффицент MSCR3 белгиси мусбат ҳамда статистик жиҳатдан аҳамиятлидир. Агар текширилаётган параметр  $\beta_3$  бозор рентабеллигига тесқари пропорционал таъсир этса, коллизия, яъни қарама-қарши фикрлар бўлмаслигини фараз қилиш мумкин.

Бироқ, тадқиқотда таъкидланганидек, бозор тузилмасини ифодаловчи параметрларнинг даромадлилик билан ўзаро кучсиз статистик алоқаси ҳам бўлиши мумкин. Масалан, монополистик

муҳит туфайли кўпроқ концентрациялашган бозорларда банклар унча юқори бўлмаган даромадлилик сабабли ва йирикроқ иштирокчилар билан камроқ хавфли бўлган портфелларни танлаган ҳолда қатнашиши ва натижада функция билан аргумент орасидаги боғлиқлик кучсиз бўлиши мумкин.

Муаллиф фикрича, бозорни таҳлил қилишда бозор тузилмасининг барча элементларини ҳисобга олиш зарур. Жумладан, Дональд Хей (1991)<sup>7</sup>, бозор тузилмасининг асосий таркибий қисмлари сифатида учта параметр “маҳсулотни дифференциялаш, масштабни тежаш ва концентрация”ни ажратиб кўрсатади. Маҳсулотни дифференциялаш брэндга (муайян банкка) истеъмолчилик содиқлиги бозорга кириш эҳтимолини ҳамда бозорга қўшимча иштирокчиларни жалб этиш эҳтиёжисиз юқори нархлар ва маржани белгиловчи кучларни аниқлаб беради. Бошқача айтганда, тузилмада рақобатни рағбатлантирмай туриб, қўйилиши мумкин бўлган нархларнигина эмас, балки банклар ўзаро баҳолаш рақобатини четлаб ўтиш мақсадида максимал даражада мумкин бўлган маржани олиш учун кооперативлаштириш эҳтимолини ҳам аниқлаб беради. Бу қуйидаги 1-чизмада ўз ифодасини топган.



1-чизма. Бозор тузилмасининг даромадлилик билан ўзаро боғлиқлиги<sup>8</sup>.

<sup>7</sup> Hay Donald A, and Morris Derek J., (1991) “Industrial Economics: Theory and Evidence”, Oxford University Press.

<sup>8</sup> Ўша манба.

Тадқиқот ишида ўтиш иқтисодиётларидаги банк тизимлари бўйича маълумотларни умумий кўздан кечириш муаллифга ўрганилаётган ҳар бир мамлакатда концентрация, қўламлар ва рентабелликни танқидий баҳолашга имкон берди. Дастлабки натижалар Европа бозорлари тузилмасининг ўзига хос хусусиятларидан бири – кўпроқ децентрализациялашган индустриал тизим томонга ўзгараётган ҳолат эканлигини, айти пайтда ислохотларнинг дастлабки босқичидаги мамлакатларда даромадлилик динамикаси номаълум бўлиб ва кучли дерегуляция сиёсатини юритаётган мамлакатларда кўпроқ аниқ бўлиб қолаётганлиги тахмин қилинмоқда. Шуниси диққатга сазоворки, танланган маълумотлар таҳлили концентрация кўрсаткичлари даромадлиликка ижобий равишда таъсир этишини кўрсатади. Шунингдек, 1997 йил натижаларига кўра, тузилмавий ҳолат “анъанавий” моделга мос келган. Сўнгги йиллардаги таҳлиллар ўтиш иқтисодиётидаги мамлакатларнинг тузилмавий ҳолатини баҳолашда қарама-қарши назарияларни қўллаш аҳамиятли эканлигини кўрсатади.

*1-жадвал*

**Активлар рентабеллигини  
энг кичик квадратлар усули билан баҳолаш<sup>9</sup>**

Ўзгарувчан миқдор	Параметр	Стандарт хато	t-кўрсаткич	t-эҳтимоллик
Constant	-4.6013	2.5722	-1.789	0.0752
CR3	0.0847*	0.0391	2.168	0.0314
ASSETS	-0.00004	0.0001	-0.284	0.7766
EQAS	0.0863*	0.0320	2.693	0.0077

\* - статистик аҳамиятликнинг 5% ли даражадаги натижаси;

\*\* - статистик аҳамиятликнинг 10% ли даражадаги натижаси.

$F(4, 189)=22.09 [0.00]$ ,  $RSS=4984.9$ ,  $ARCH \ F(1,187)=0.191 [0.66]$ ,  $RESET \ F(1,188)=0.48 [0.4]$

Бозор улушини даромадлиқка таъсирини аниқлаш мақсадида тадқиқот ишида Шарқий Европа ва МДХ мамлакатлари банк тизимларининг фаолият кўрсатиш қонуниятларини аниқлаб берувчи омиллар юқори концентрациялашган бозорларни сегментациялаш орқали таҳлил қилинди.

<sup>9</sup> 1997 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

Иқтисодий адабиётларда бозор даромадлиги ва концентрациясининг мумкин бўлган ўзаро алоқаси пастроқ концентрацияли бозор сегментида бўлиши эътироф этилган. Мазкур гипотезада ўрганилаётган мамлакатлар иккита гуруҳга ажратилгандан кейин таҳминлар текширилиб, концентрациянинг критик нуқтаси сифатида 65 фоиз танланган. Шунга мос равишда концентрациянинг паст сегментли бозорларига Венгрия (43,33%), Словения (62,86%), Хорватия (62,99%), Украина (64,76%) ва Белорус (64,91%) каби давлатларнинг банклари киритилган. Коллизия ҳолати алоҳида концентрациялашган бозорларга (CR3 65% дан юқори) Польша (65,9%), Чехия (66,11%), Словакия (67,10%), Россия (70,63%), Болгария (79,96%) ва Руминия (80,45%) каби давлатларнинг банкларига хос бўлди.

Энг кичик квадратлар усули бўйича бажарилган регрессион таҳлилнинг натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал

**Паст концентрацияли сегмент рентабеллигини  
энг кичик квадратлар усули билан баҳолаш <sup>10</sup>**

Ўзгарувчан микдор	Параметр	Стандарт хато	t-кўрсаткич	t-эҳтимоллик
MSHARE	-0.1860*	0.0791	2.3516	0.0081
ASSETS	0.0016*	0.0008	2.0664	0.0355
EQAS	0.0538	0.0389	1.3827	0.0351
Белорус	0.5112**	0.2576	1.9845	0.0487
Хорватия	0.0237	0.2741	0.8645	0.9276
Венгрия	0.4781	0.7084	0.6745	0.5010
Словения	0.4028	0.3013	1.3371	0.3090
Украина	1.3995*	0.4223	3.3141	0.0000

\* - статистик аҳамиятлилигининг 5% ли даражадаги натижаси

\*\* - статистик аҳамиятлилигининг 10% ли даражадаги натижаси

RSS=378.15, ARCH 1  $F(1, 68) = 5.035 [0.0281]$  \*, RESET  $F(2, 68)=17.931 [0.0000]$  \*\*, N=78

Регрессия бўйича олинган натижалардан (3-жадвалга қаралсин) кўришиб турибдики, бозор улушининг коэффициенти биронта

<sup>10</sup> 2 ва 3- жадваллар 2002 йил маълумотлари асосида муаллиф томонидан ҳисобланган.

ҳолда ҳам даромадлиликка таъсир қилмас экан. Шунга мувофиқ, тижорат банкларининг самарадорлигини уларнинг бозор улушига боғлиқ деган тахминлар эмпирик тасдиғини топмайди.

Салбий қийматли коэффициент натижаси паст даражадаги концентрацияли бозор сегментининг таҳлилида кўриниб турибдики, бу Шарқий Европанинг ўтувчи банк бозорлари бўйича аввалги олинган натижаларга мос келади. Тадқиқотда олиб борилган таҳлиллар бозордаги бундай аҳвол паст концентрацияли бозор сегменти тижорат банклари учун унчалик маъбул бўлмайди ва бозор улушига қарама-қарши ўларок, бошқа сабабларни қўлланишлигини, хусусан, бозор таҳлилини бозор концентрациясига боғлиқлигини кўриб чиқиш керак, деган тахминни илгари суришга имкон берди.

Банк хизматлари бозори концентрациясининг коэффициенти 65 фоиз ва ундан кўпроқни ташкил этувчи бошқа гуруҳ мамлакатларнинг таҳлили (3-жадвал) муаллиф фикрича, “самарали тузилма” гипотезасини қўллаш учун қабул қилиш мумкин эмаслиги ҳақидаги хулосага олиб келди, лекин аъъанавий гипотезани қўллаш имкониятини истисно қилмайди.

3-жадвал

**Юқори концентрацияли сегментнинг рентабеллигини энг кичик квадратлар усулида баҳолаш**

Ўзгарувчи микдор	Параметр	Стандарт хато	t-кўрсаткич	t-эҳтимолик
MSHARE	0.1640	0.1164	1.409	0.1616
ASSETS	-0.0004	0.0003	-1.236	0.2193
EQAS	-0.0806	0.0599	-1.345	0.1814
Болгария	0.7113*	0.0592	2.723	0.0075
Чехия	0.0908	0.3282	0.277	0.7826
Польша	0.6100**	0.3255	1.905	0.0595
Руминия	0.2061	0.2414	0.854	0.3951
Словакия	0.0899	0.2835	0.317	0.7519
Россия	0.4420*	0.1909	2.316	0.0225

\* - статистик аҳамиятлиликиннинг 5% ли даражадаги натижаси.


\*\* - статистик аҳамиятлиликиннинг 10% ли даражадаги натижаси.

RSS=6064.13, ARCH 1  $F(1,105)=5.7449e-009$  [0.99], RESET  $F(2,105)=14.05$  [0.00] \*\*, N=78

Тадқиқот натижалари банклар тизимининг ўзагини ташкил этадиган яшашга қобил ва консерватив банкларнинг оптимал миқдорини яратиш муҳим стратегик вазифа эканлигини кўрсатади. Ўтиш даври иктисодиётларини тизимли ўзгартириш хорижий банкларнинг роли ҳозиргача чекланган ва уларнинг имконияти айни МДХ мамлакатлари бўйича уларни Марказий ва Шарқий Европа мамлакатлари бозорларидаги фаолиятининг кўлами билан таққослаганда сезиларли даражада ўзлаштирилмасдан қолмоқда. МДХда фаолият кўрсатаётган чет эл банкларидан алоҳида олинган мамлакатда энг кучли бозор позициясига HSBC нинг Арманистондаги шуъба банки эга: миллий банк тизимидаги активларда унинг улуши 25 фоиздан ортиқдир. Аслини олганда, HSBC нинг шуъба банки Арманистонда энг йирик банк ҳисобланади: унинг активлари 150 млн.АҚШ долларни, хусусий капитали эса 10 млн.АҚШ долларни ташкил этади. Шуни қайд этиш лозимки, гарчи, бу банк омонатларни фаол равишда жалб этаётган бўлса-да, унинг кредит фаолияти анчагина чекланган. МДХда фаолият чет эл кредит ташкилотлари орасида МДХ даги миллий бозорни назорат қилувчи улушнинг кўлами бўйича иккинчи ўринни Приорбанк (хусусий капитали 100 млн. АҚШ доллар, активлари – 650 млн. АҚШ доллар), Австриянинг Raiffeisen Zentralbank Oesterreich белорус шуъба банки эгаллаган. Миллий банк тизимининг 12 фоиз активлари шу банкка қарашлидир. Гарчи, Приорбанк катталиги бўйича Беларус давлатининг учинчи банки бўлса-да, унга тизимнинг 80 фоизини назорат қилувчи давлат банки билан рақобатлашиши осон эмас.

Тадқиқот натижаларига биноан, МДХ мамлакатларининг банк секторида тизимли ўзгартиришлар жараёнининг суръати ошиб бормоқда. Бундан кейин банк бозорларидаги чет эл инвестицияларининг асосий қисми аҳолисининг сони энг кўп ҳамда ўсиш салоҳияти салмоқли бўлган Россия ва Украинанинг банк тизимларига йўналтирилади. Шу билан бирга МДХ мамлакатларининг банк тизимлари аллақачон географик жиҳатдан жуда ҳам хилма-хил бўлган инвесторларнинг диққатини жалб қилмоқда. Европаликлар кенгайиб бораётган Европа Иттифоқига бевосита яқин жойлашган мамлакатлар – Украина, Беларус ва Молдовага ортиб бораётган қизиқишни билдирмоқдалар. Озарбайжон ва Туркманистон каби мамлакатлар ўзларининг банк тизимлари учун потенциал йирик инвестор бўлган Туркия билан яқин алоқага эгадирлар. Турк банклари, хусусан

Қоғbank ва Т.С. Ziraat Bankasi A.S. ни ҳам қўшиб ҳисоблаганда Ўзбекистон, Қозоғистон, Россия, Озарбайжон, Туркменистонда фаолият кўрсатмоқда.




2-чизма. Турли МДХ давлатларининг банк тизимларидаги давлат ва чет эл иштирокининг даражалари <sup>11</sup> (2006 йил 1 январ ҳолатига кўра).

Тадқиқот ишида халқаро банк капиталининг МДХ мамлакатлари банк секторини тизимли ўзгартириш жараёнидаги мавжуд муаммолари тадқиқ этилган. Ривожланиш йўналишлари ва самарадорлигининг кўрсаткичлари бўйича тобора кўпроқ фарқ килишларига қарамасдан, уларни қатор умумий хавф-хатарлар бирлаштириб туради. “Хуфиёна” иқтисодиётнинг кўлами каби муҳим омилдан бошқа буларга яна аҳоли фаровонлигининг паст даражаси ва даромадининг анчагина тенгсизлиги, меъёрий-ҳуқуқий тизимнинг ривож-

<sup>11</sup> Манба: «Стандард ва Пурс» кредит агентлиги маълумотлари асосида (2006 й.) муаллиф томонидан тузилган.

ланмаганлиги, бухгалтерлик ҳисоби стандартларининг бир хил эмаслиги, банк тизимига бўлган ишончнинг етишмаслиги муаммоларнинг бир қисмини ташкил этади.

Миллий банк тизимидаги мавжуд бўлган муаммолардан тузилмавий камчиликларни биринчи қаторга қўйиш мумкин. 71,0 фоизни ташкил этган банк активларини концентрация кўрсаткичлари миллий банк тизимида ислохотларни чуқурлаштириш зарурлигини англатади (3 чизма).




*3-чизма. Ўзбекистон Республикаси банк тизимида концентрация кўрсаткичлари<sup>12</sup> (2006 йил 1 январ ҳолатига кўра).*

Ўзбекистон Республикасида банк секторининг бугунги кунда шаклланган тизимини таҳлил этиш жараёни шуни намоён этдики, бозор тизимининг паст сегментларида олиб борилаётган фаолиятнинг таваккалчилик даражаси ошиб бориши аниқланди. Шунингдек, банк капиталлаштириш кўрсаткичи бўйича бўлинган сегментларнинг энг пастида даромадлиликни дисперсия кўрсаткичлари номутаносиб равишда ўсиб бориши кузатилади. Мазкур ҳолат кичик банкларнинг фаолиятини кескинлашишига ва банк тизимининг ортиқча концентрациялашуви туфайли тизимнинг умумий даромадлигига салбий таъсир кўрсатиши эҳтимолини яратади (4 чизма).

Ўзбекистон Республикаси банк тизимидаги концентрация кўрсаткичини аниқлаш учун Герфендал-Хиршман индекси (ННІ) қўлланилди. Ушбу индекс ҳар бир банк улушини бутун банк тизимига нисбатини ифодалайди, яъни банклараро рақобатчилик даражасини кўрсатади. Герфендал индекснинг пасайиши банклар томо-

<sup>12</sup> Манба: Марказий банк маълумотлари асосида ҳисобланган.



4-чизма. Ўзбекистон Республикаси банк тизимини сегментлаштириш натижасида аниқланган да-  
роматлик дисперсиясинг кўрсаткичлари <sup>13</sup> (2006 йил 1 январ ҳолатига кўра).

<sup>13</sup> Муаллифнинг ишланмалари асосида тузилган.

нидан нархлар тенденциясига таъсири камайишини билдиради, индекс кўрсаткичи ошиб борган ҳолда эса банк тизимида монополистик ҳолат мавжудлигини намоён этади.

$$HHI = \sum_i (s_i)^2, \quad (4)$$

бу ерда:  $s$  – бу  $i$  банкнинг бозор улушидир.

Мамлакатимиз банк тизими бўйича 2004 ва 2005 йиллар натижаларига кўра Марказий банк ҳисоботлари асосида танланган маълумотлар нафақат Герфендал-Хиршман кўрсаткичини аниқлаш имкониятини яратиб беради, балки “меъёрланган” индекс кўрсаткичини ҳам аниқлашга асос беради:

$$H^* = (HHI - 1/N) / (1 - 1/N), \quad (5)$$

бу ерда:  $HHI$  - Герфендал-Хиршман индекси;  $N$ -банклар сони.

Банк тизимидаги тузилмавий ҳолатига баҳо бериш умумий қоидалари бўйича қуйидаги шартлар қўлланилади:

- $H^*$  индекси 0.1 дан паст қиймати концентрация йўқлигини кўрсатади ;
- $H^*$  индекс қиймати 0.1 дан 0.18 бўлганида ўрта даражали концентрация мавжудлигини ифодалайди ;
- $H^*$  индекси 0.18 дан ортиқ бўлганда юқори концентрация ва монополизация мавжудлигига асос солади.

Ўзбекистон банк тизимининг 2004 йил натижалари бўйича  $HHI$  индекс ҳолати:

$$HHI_{2004} = \sum_i (s_i)^2 = 0.36.$$

2005 молиявий йил натижалари учун ҳисобланган индекс:

$$HHI_{2005} = \sum_i (s_i)^2 = 0.28.$$

Юқорида ҳисобланган индекс асосида “меъёрланган” индекс кўрсаткичи 2004 йил учун:

$$H^*_{2004} = 0.29 > 0.18.$$

2005 йил натижалари учун:

$$H^*_{2005} = 0.21 > 0.18.$$

Иккала индекс натижалари банк тизимида бўлган рақобат даражаси пастлиги ва юқори концентрация мавжудлиги тўғрисида гувоҳлик беради. Ушбу кўрсаткичнинг пасайиб бориши республика банк тизимидаги рақобат муҳити учун ижобийдир, ammo мазкур тузилмавий ҳолат юқори самарадорликни таъминламайди.

Шарқий Европа ва МДХ мамлакатларида бозор тузилмасининг шаклланиш хусусиятларидан ташқари, ўтказилган тадқиқот кўрсатишича, капиталлашув даражаси паст бўлган банкларнинг молиявий кўрсаткичларига базавий депозитларнинг етарли эмаслиги, кредит маданиятининг пастлиги, активлар сифати ёмонлашуви эҳтимолнинг юқорилиги, паст операцион самарадорлиги салбий таъсир кўрсатади. Аҳоли ҳозиргача банкларга ишончсизлик билан қарашади ва уларга ўз жамғармаларини истар-истамас жойлаштирадilar. Шу сабабли МДХ мамлакатларининг кўпчилик банклари томонидан жалб этиладиган хусусий шахслар омонатининг даражаси анчагина паст бўлиб қолмоқда. Қирғизистонда 2003 йилнинг охирида чакана омонатларнинг улушига миқозларнинг ҳисобларидаги маблағларнинг 35 фоиздан кам бўлган умумий қолдиқлари тўғри келган. Қозоғистонда бу кўрсаткич 2003 йилнинг охирида 35 фоиздан ошмаганлигини қайд этиш кифоя. Украинада 2003 йилда аҳоли омонатларининг улуши корпоратив миқозлар омонатининг улуши билан амалда тенглашган пайтда жалб этилаётган депозитлар тузилмасида анчагина силжиш юз берган.

Минтақа банклари учун анчагина тузилмавий узилишлар характерлидир: қисқа муддатли пассивлар кўлами бўйича қисқа муддатли активлардан анчагина ошиб кетган, бунинг оқибатида банклар миқозларнинг уларга бўлган ишончнинг пасайиб кетиши туфайли юзага келган оммавий мурожаатлари пайтида ўз мажбуриятларини бажара олмаслик хавфига дуч келадилар. Кўпгина банкларнинг халқаро маблағ ажратишдан фойдаланиши чекланади ва барқарор бўлмайди. Яна шуни таъкидлаш керакки, МДХ мамлакатларининг банк тизимларида кўп ҳолларда хом ашё товарларининг экспорти билан боғлиқ (Қозоғистон ва Россиядаги нефтлар, Туркменистондаги газ, Қирғизистондаги олтин, Тожикистондаги алюминий) бўлган айрим тармоқларда минтақа иқтисодиётларининг юқори даражада тўпланганлиги ўз аксини топган.

МДХ мамлакатларининг кўпчилигидаги омонатларни суғурталаш тизимини яратиш, молиявий ҳисобнинг халқаро стандартла-

рига ўтиш, банк капиталларининг сифатига, шунингдек, уларнинг тижорат фаолияти ва акциядорлик тузилмасининг очиқ-ойдинлигига тааллуқли кўп сонли ташаббусларни амалга оширишни қамраб олган банк тизимини кенг қўламли ислохот қилиш жараёни тартибга солувчи органлар ва банклар учун анчагина муаммолар келтириб чиқармоқда.

МДХ банк тизимлари учун қалтис ва хавфли амалиётни, хусусан шубҳа банкларидан уларнинг эгалари томонидан хусусий инвестицияларини саноатга сарфлаш учун маблағ ажратишда фойдаланиш, банк капиталларини заём воситалари ҳисобидан ошириш ёки ҳамма жойда кузатиладиган кредит ва савдо портфелларини кам сонли заёмчилар ва қимматли қоғозларнинг эмитентларида юқори даражада тўпланиб қолишини бартараф этиш шубҳасиз фойдали бўлади.

Халқаро тажрибалар банк тизимига ишончсизлик муаммосини ҳал қилиш учун баъзи мамлакатлар омонатларини суғурталашни жорий этишга интиланликларини кўрсатади. Шунингдек, ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Қозоғистон ва Украина омонатларни суғурта қилиш тизимини ишлаб чиқди. Кейинчалик эса Молдова уларнинг намунасига эргашди. Бошқа мамлакатларда бу жараён ўзининг кўпроқ дастлабки босқичида турибди. Арманистонда 2003 йилда ўрнатилган омонатларни суғурталаш тизими 2007 йил ўрталарида амал қилишни бошлаши керак. Қирғизистонда омонатларни суғурталаш тизими ҳақидаги қонуний асослари эндигина ишлаб чиқмоқда.

Давлат органларининг иқтисодиётдаги, саноатдаги ва қонунчилик соҳаларидаги ислохотларни қўллаб-қувватлаш ва суръатини жадаллаштира олиш қобилияти ҳамда тайёргарлиги МДХ мамлакатлари ва уларнинг банкларини узоқ муддатли ўсиш имкониятларини аниқлаб берувчи энг муҳим шарт-шароитлардир. Молиявий воситачилар ролини самарали бажариш учун банкларга барқарор иқтисодиёт, соғлом корпоратив тизим ҳамда самарали ишлаётган ҳуқуқий тизим яратилиши зарур.

### 3. ХУЛОСА

Тадқиқот натижалари асосида қуйидаги хулоса ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Банк секторининг тизимли ўзгариши моҳиятан комплекс ва узоқ муддатли жараён бўлиб, ўзида иқтисодиёт ҳолатига тўғридан – тўғри самара кўрсатувчи турли хил воситалари билан институционал ислохотлар ўтказишни мувозанатли бўлишини таъминлайди. Банк тизимидаги ҳаттоки, аҳамиятсиз қолган муаммолар ҳам мамлакатнинг миллий иқтисодиётини беқарорлаштирувчи ноқулай омил бўлиб қолиши мумкин. Шунинг учун, тартибга солувчи тузилмалар мутахассис ва илғор эксперт фикрлари асосида комплекс ва тизимли мониторинг ўтказишлари, банкротлик, банкларнинг қўшиб юбориш тартибларига баҳо беришни истисно этмаган ҳолда тижорат банклари тузилмаларини тартибга солишда тегишли чоратадбирларни амалга ошириши табиийдир. Шунингдек, банк секторининг иқтисодий муҳимлигини инobatга олган ҳолда, бозор тузилмасида тартибга солувчи органлар томонидан рақобатбардош муҳитни рағбатлантирувчи сиёсатни олиб бориш зарур.

2. Эконометрик таҳлил натижалари ўтиш даври иқтисодиётларида концентрация кўрсаткичлари ва даромадлилик орасида ижобий боғлиқлик ҳақида гувоҳлик беради. Ўтган асрнинг охирида жаҳон миқёсида дуч келган молиявий инқироз ўтиш даври иқтисодиётларининг тузилмавий кўрсаткичларига таъсир этганлиги туфайли даромадлиликка ҳам салбий таъсир кўрсатган ҳолда бозор рақобатини камайтиради. Шунинг учун, минтақавий муаммоларни ҳал этилиши тузилмавий ҳолатни яхшилаш ва тизим самарадорлигига қаратилган сиёсат олиб боришдан иборатдир. Бундан ташқари, банк рақобати ўз навбатида халқаро сиёсат масалаларига ҳам дахлдор бўлади. Мамлакат ичидаги кредит ташкилотлари ўртасидаги рақобат эса мазкур давлатнинг ҳам ички, ҳам ташқи сиёсатига бевосита таъсир қилади. Шунинг учун тартибга солувчилар сифатли ва оммабоп банк хизматларини амалга оширишлари учун уларнинг рағбатлантирувчи функциялари билан назорат функциялари орасидаги мувозанатни таъминлаши зарур.

3. Ўтказилган тадқиқот мамлакатимиз банк тизимидаги активлар концентрациясининг даражасини оптималлаштиришни талаб қилади. Танланган маълумотлар асосида бажарилган таҳлил ва

миллий банк тизими учун ҳисобланган Герфендал кўрсаткичининг катталиги тузилмавий муаммолар мавжудлиги ҳақида гувоҳлик беради. Миллий банк тизими иқтисодий ислоҳ қилиш жараёни кўламининг ошганлиги ҳамда янада чуқурлашганлигини ҳисобга олган ҳолда бутун фаолият маркази тизим рақобатбардошлигини оширишга қаратилган туб ўзгартиришларни амалга ошироқлари зарур, чунки банк секторини ислоҳ этишда банк рақобатини ривожлантириш масаласи ҳал қилувчидир. Бозор рақобатчилигини йўлга солиш молиявий хизмат бозоридаги рақобатни ҳимоя қилиш бўйича аниқ белгилаб қўйилган ҳуқуқий базани талаб қилади. Рақобат муҳитини яхшилашга фақат давлат активларини бундан кейинги давлат тасарруфидан чиқариш ҳамда хусусий банк капитали ҳажмини мақбул даражага келтириш орқали эришиш мумкин. Ҳалқаро тажриба асосида шуни таъкидлаш зарурки, давлат тасарруфида қолган банкларни ислоҳотлаштиришдан ташқари, кўпроқ янги банкларни барпо этишга қаратилган сиёсатлар анча самаралироқ натижалар келтиради. Бозор рақобатчилигини кучайтириш бўйича ислоҳотлар жараёнини мамлакат хусусий капиталини давлат банки активларини тизимли ўзгартиришга жалб этиш билан чет эл капиталини мамлакат тижорат банки ишининг ривожлантиришга қизиқишини ошириш бўйича аниқ мақсадга йўналтирилган сиёсат орқали мувозанатини таъминлаш керак.

4. Тузилмавий ислоҳотлаштириш сиёсати билан бирга мамлакатнинг банклари корпоратив ва индивидуал омонатчилар учун хилма-хил хизмат кўрсатишни яхшилаш бўйича бир шароитда мижозга бўладиган юклamani камайтирган ҳолда тижорат банкларини мижозлар билан янада самаралироқ ишлаши учун рағбатлантириш керак. Бундай сиёсатда банклараро рақобат рағбатлантирувчи ички омил сифатида тавсия этилиши мумкин. Масалан, истеъмол банк ишини фақат молиявий компанияларнинг кредит имкониятларини реклама қилиш орқали эмас, балки янги банк хизматларини масалан, электрон пуллар; автоматлаштирилган банкнот машиналаридан пластик карточкалар бўйича фойдаланиш; телефон бэнкингини; Интернет бэнкингини ва шу кабиларни ривожлантириш орқали ҳам кучайтириш мумкин. Бу чора-тадбирлар мижозларга банк сервис имкониятларини баҳолаш имконини беради ва тижорат банкларидаги омонатларда истеъмол қатнашувини манфаатини ошишига хизмат қилади.

5. Мамлакатнинг барча банклари молиявий воситачиликнинг даражасини ошириш, махсулотлар оқимини кенгайтириш, даромад манбаларини диверсификациялаш, самарадорликни ошириш шунингдек, операцион фаолият сифатини ва таваккалчилик менежментини ошириш учун янги восита ва механизмлар киритиш каби мураккаб муаммоларни ҳал қилишлари керак. Банк тизимига нисбатан ишончни мустаҳкамлаш учун аудит ва бухгалтерлик ҳисобининг аниқлигини ошириш, ахборот очиклигини ҳамда корпоратив бошқарув сифатини яхшилаш, инвестор ва кредиторларнинг ҳуқуқларини янада кучлироқ ҳимояланишини таъминлаш зарур. Бундан ташқари, тадқиқ этилган минтақанинг мамлакатларида тўлов маданиятини яхшилаш учун тўлов интизомини таъминлаш ва ҳуқуқий тизимлар самарадорлигини ошириш зарур.

6. Тадқиқот жараёнида аниқланган миллий банк тизимини ислоҳ этишга бўлган эҳтиёжни ортиб боришининг объектив ва субъектив омиллари тизимнинг кенг миқёсдаги тизимли ўзгартириш дастурини тузиш зарурлигини кўрсатади. Дастурларни муваффақиятли амалга оширилишини таъминлаш ва умуммиллий даражада қўллаб-қувватлашга эга бўлиш учун тизимли ўзгартириш жараёни тартибга солишнинг барча воситалари аниқ равшан шаклда берилиши керак. Давлат органлари ва банк муассасалари ичидаги буйруқлар умумий қабул қилинган меъёрларга зид бўлмаслиги зарурлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки ва Молия вазирлиги республика банк тизимининг барқарор ривожланишини тартибга солиш, мувофиқлаштириш ва назорат қилишнинг узоқ муддатли ягона стратегия ва услубиётини ишлаб чиқишлари зарур.

#### 4. ЧОП ЭТИЛГАН ИЛМИЙ ИШЛАР РЎЙХАТИ

1. Салихов Ж.Ш. Участие иностранного капитала в банковской реструктуризации // Ж. Рынок, деньги и кредит. 2001. №5. с. 8-10.
2. Salikhov J.. Foreign Entry in Restructuring Commercial Banks // International Relations: Economics, Politics and Law, №7, 1/2002. pp. 12-15.
3. Salikhov J. Restructuring efficiency in banking: Market Structure and Performance Relationship // W.P, Graduate School of Asia-Pacific Studies, Waseda University Press, Tokyo, August, 2002. p.29.
4. Салихов Ж.Ш. Шарқий Европа ва тижорат банкларини реструктуризацияси: бозор структураси ва даромад // ЎАЖБНТ маркази. Хорижда таълим олган ёш мутахассисларнинг 1-конференцияси материаллари, 2-том, Тошкент 2003. 287-293 б.
5. Salikhov J. "Impact of Bank Market Structure on Performance: Asian Case" // Collected Research Papers of Japanese Grant Aid for Human Resources Development Scholarship, UJC., Tashkent 2006., pp. 332-343.

**Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасига талабгор Жасур Шавкатович Салиховнинг 08.00.09 – “Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар” ихтисослиги бўйича “Ўтиш даври иқтисодиётида тижорат банкларининг реструктуризацияси: бозор тузилмаси ва даромадлилиқ (Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари мисолида)” мавзусидаги диссертациясининг**

## **РЕЗЮМЕ СИ**

**Таянч (энг муҳим) сўзлар:** ўтиш иқтисодиёти, моделлар, тижорат банк, тизими ўзгартириш, бозор тузилмаси, даромадлилиқ, фоиз ставкаси, капитал рентабеллиги, активлар, банк тизими, банк бозори, рақобат

**Тадқиқот объектлари:** ўтиш даври иқтисодиётидаги банк тизими ва тижорат банклари фаолияти танланган.

**Ишнинг мақсади:** миллий иқтисодиётда банк секторидаги тизимли ўзгартиришлар самарадорлигини баҳолашнинг илмий-услубий асосларини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида рақобатбардошлиқ механизмларини такомиллаштириш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқот усули:** мантиқ ва қиёсий таҳлил, эксперт баҳолаш, статистик таҳлилнинг дескриптив усули, корреляцион-регрессион таҳлил каби усуллари қўлланилган.

**Олинган натижалар ва уларнинг янгилиги:** Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларининг банк тизими фаолиятини барқарор ҳолда тартибга солиб туриш учун зарур бўлган шарт-шароитлар ва омиллар аниқланган; ўтиш даври иқтисодиётлари ва ривожланаётган иқтисодиётлар банк тизимларида рақобат муҳитининг қулай даражасини аниқлаб берувчи омиллар туркумланган; хорижий мамлакатлар банк секторидаги даромадлилиқни оширишда трансмиллий банк институтлари имкониятларидан тўла фойдаланиш бўйича тавсиялар берилган; Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатларида бозор концентрациясининг ўзгариши ва банклар даромадлилиги таъсирини баҳолаш бўйича таҳлил усули таклиф этилган; Шарқий Европа ва МДҲ мамлакатлари банк тизимларининг динамика қаторлари таҳлил этилиб, даромадлилиқнинг тузилмавий детерминантлари аниқланган; миллий банк тизимидаги рақобат муҳитининг оптимал даражасини таъминлаш бўйича таклифлар асосланган.

**Амалий аҳамияти:** ишлаб чиқилган амалий таклиф ва тавсиялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг тартибга солиш фаолиятида шунингдек, халқаро капитал бозорлари учун тизимни кўшимча жозибадорлигини таъминлаш мақсадида мамлакат банк тузилмаларини тизимли ўзгартириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда фойдаланилиши мумкин.

**Татбиқ этиш даражаси ва иқтисодий самарадорлиги:** тадқиқотнинг натижалари “Ўрта муддатли келажакда Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётининг ривожланишини асосий йўналишлари” маърузасини тайёрлашда иқтисодий тадқиқотлар марказида қўлланилган.

**Қўлланиш (фойдаланиш) соҳаси:** давлат органлари томонидан Ўзбекистон банк тизимини такомиллаштириш концепциясини ишлаб чиқиш ҳамда банк фаолиятини тартибга солувчи органлар ва тижорат банклари фаолиятида қўлланилади.

## РЕЗЮМЕ

диссертации Салихова Жасура Шавкатовича на тему: «Реструктуризация коммерческих банков в переходных экономиках: рыночная структура и доходность (на примере стран Восточной Европы и СНГ)» представленной на соискание ученой степени кандидата экономических наук по специальности 08.00.09 – «Мировая экономика и международные экономические отношения».

**Ключевые слова:** переходная экономика, модели, коммерческий банк, реструктуризация, рыночная структура, доходность, процентная ставка, рентабельность капитала, активы, банковский сектор, банковский рынок, конкуренция.

**Объект исследования:** деятельность коммерческих банков и банковских систем переходных экономик.

**Цель работы:** разработка научно-методических основ оценки эффективности реструктуризации коммерческих банков в национальной экономике и выработка практических рекомендаций и предложений по совершенствованию механизма конкурентоспособности коммерческих банков Узбекистана.

**Методы исследования:** применены методы логического и сравнительного анализа, экспертной оценки, дескриптивный метод статистического анализа и корреляционно-регрессионный анализ.

**Полученные результаты и их новизна:** изучены условия и предпосылки реструктуризации банковских систем стран Восточной Европы и СНГ на базе которых раскрыты факторы стабильности банковских систем; исследованы факторы, определяющие оптимальный уровень банковской конкуренции в переходных и развивающихся экономиках; разработаны рекомендации по использованию опыта транснациональных банков в повышении доходности сектора; разработаны модели анализа динамики концентрации и её влияния на доходность в банковских системах Восточной Европы и СНГ; определены структурные детерминанты прибыльности по ряду стран СНГ и восточно-европейских банковских систем; разработаны и научно обоснованы рекомендации по совершенствованию регулирования национального банковского сектора для достижения оптимальной конкурентоспособности.

**Практическая значимость:** разработанные концептуальные подходы и рекомендации могут найти применение в регулирующей деятельности ЦБ Республики Узбекистан, практическом внедрении мероприятий по повышению привлекательности сектора для международных рынков капитала и совершенствованию деятельности коммерческих банков республики.

**Степень внедрения и экономическая эффективность:** результаты исследования были приняты Центром эффективности экономических исследований при разработке Доклада «Основные направления развития экономики Узбекистана на среднесрочную перспективу».

**Область применения:** при разработке государственными органами концепции совершенствования банковской системы Узбекистана; в деятельности коммерческих банков республики и регулирующих сектор структур.

## RESUME

on dissertation of Salikhov Jasur Shavkatovich on the topic of “Restructuring of commercial banks in transition economies: market structure and profitability (on example of Eastern European and CIS countries)” presented to obtain a scientific degree of doctor of philosophy in economics on major 08.00.09 “World Economy and International Economic Relations”

**Keywords:** transition economy, models, commercial bank, restructuring, market structure, profitability, interest rate, profitability on capital, assets, banking industry, banking market, competition

**Subjects of the inquiry:** activity of commercial banks of transition economies of Eastern Europe and CIS.

**Aim of the inquiry:** developing scientific and methodological basis for assessment of restructuring efficiency of commercial banks in national economies along with elaboration of practical recommendations on improvement of competitive mechanisms in commercial banking sector of Uzbekistan.

**Method of inquiry:** logical and comparative analysis, expert assessment, descriptive statistical analysis and regression estimations were used.

**The results achieved and their novelty:** a research of the conditions and prerequisites of commercial bank restructuring in banking systems of Eastern Europe and CIS has been implemented; stability factors of the banking systems were disclosed and classified to define the optimal banking competition in transition and developing economies; recommendations on attraction of transnational banking institutions' experience were developed; a model based on analysis of market concentration and its influence on profitability was elaborated for banking systems of Eastern Europe and CIS; structural determinants of profitability on East European and CIS banking systems were defined; recommendations on enhancement of competitiveness in national banking were developed and scientifically argued.

**Practical value:** developed conceptual approach could be applied in regulating activity of the Central bank of Uzbekistan and practical implementation of measures on improving attractiveness of the sector for international capital markets and commercial banking activity.

**Degree of embed and economic effect:** the results of research were accepted by a Center of efficient economic research for elaboration of report on “Basic directions of mid-term development of the economy of Uzbekistan”.

**Sphere of usage:** in developing the regulatory policies and concepts of bank restructuring in Uzbekistan, in activity of commercial banks and public policy issues.

Тадқиқотчи

